Ушбу сонда:
2 ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК асосида ташкил этилган фермер хўжалиги инқирозга учради
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 СЕП...ТЎЙ ЎТГУНЧА одоб-аҳлоқ ва билим бир умрга

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ, ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 27 апрел, чоршанба № 68 (1909)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВЕНГРИЯ ЭКСИМБАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венгрия Эксимбанки бош директорининг ўринбосари Рошта Дердь раҳбарлигидаги Венгрия ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация «Асака» давлат акциядорлик банки бошқаруви раиси Шокир Жўраев билан учрашди.***

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, икки банк ўртасида вакиллик алоқаларини йўлга қўйишга оид масалалар муҳокама этилди.

Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк» ва айрим вазирликларда бўлиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказди.

(ЎзА)

*Таҳририятга хат*

## ЮРТНИ СЕВИШ ТУЙҒУСИ

### улуғ мақсад сари даъват этувчи катта куч

***Ўзбекистон Президентининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи барча қатори биз - андижонликларнинг ҳам юраги, онги-шууридан жой олди. Маърузада таъкидланганидек, эркин, адолатли, демократик фуқаролик жамияти қуришдан мурод-муддао - халқимиз учун фаровон ҳаёт, ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш тарзини барпо этишдир.***

Шу сўзларни хаёлан такрорлар эканман кўз ўнгимдан вилоятимизнинг кечаги қиёфаси, бугуни ва эртаси гавдалана бошлади. Тўғри таъкидлашади, Андижоннинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида ўз ўрни, салоҳияти бор. 2 миллион 243 минг аҳоли истиқомат қилаётган вилоятда 95 та қишлоқ, 5 та шаҳар, 752 та маҳалла бор. Жаҳон автомобилсозлиги билан беллашаётган "ЎзДЭУавто" корхонаси эндиликда бутун мамлакат фахрига айланган. "Баркамол авлод - 2004" мусобақалари бешиги бўлган ажойиб спорт мажмуи Марказий Осиёда ягонадир. Германия, Голландиядан келтирилган аттракцион ускуналар билан жиҳозланган кичкинтойлар боғини бахтли болалик дунёси дейиш мумкин.

Вилоят маркази Андижон шаҳрида кенг кўламдаги шаҳарсозлик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда. Яқин-яқингача Узум бозори ўрнида пастқам, ертўла сифат уйлардан иборат ҳунармандлар маҳалласи бўларди. Эртадан кечгача сандонга урилган болғаларнинг товуши қулоқни қоматга келтирарди. Бугун бу ерда гулларга бурканган хиёбон, Хотира майдони, унинг ёнгинасида замонавий савдо дўконлари, саноат моллари улгуржи бозорини кўриш мумкин. Вилоят фаоллари йиғилишида назардан қолган "Оталар чойхонаси"ни қайта тиклаш таклиф этилганди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қисқа муддатда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мана ҳозирда палос ва кўрпачалар солинган баҳаво сўриларда қарилик гаштини суриб, чойхўрлик қилаётган нуронийларга ҳавасингиз келади.

Андижон том маънода гуллар шаҳрига айланиб боряпти, десак муболаға бўлмайди. Биргина Бобуршоҳ кўчаси ва Афғон боғи ҳудудини олайлик. Анвойи гулларга бурканган айланма чорраҳа ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга шаҳарга ўзгача чирой бағишлаган. Отабеков кўчаси яна бир замонавий кўринишдаги мажмуа билан бойийдиган бўлди. Бу ерда республика шошилинч-тиббий ёрдам кўрсатиш илмий марказининг вилоят бўлими қурилиши бошланди. Мевали ва манзарали дарахтлар, гулзорлар, фавворалар, баҳаво микроиқлимни яратган. Ҳар қандай кишининг кайфиятини чоғ қилади, руҳиятини кўтаради. Шаҳарликлар, меҳмонлар гўзал манзарани томоша қилиб ҳаётдан завқланадилар, мустақиллик Ўзбекистонга, шу жумладан гуллар маскани Андижонга қанчалар катта наф берганлигига гувоҳ бўладилар.

Шаҳар ҳам бўйига, ҳам энига қулоч ёймоқда. Қўлигул, қадами қутлуғ қурувчилар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бошқармамиз ҳузурида меъморлар кенгаши доимий ҳаракатда. Унга лойиҳачилар, қурилиш ташкилотларининг бошлиқлари, мутахассислар аъзо қилинган. Ҳар бир бунёдкорлик иши, ободончилик тадбири фақат лойиҳа асосида амалга оширилади. Мақсадга эришишда тендер танловининг ўтказилиши катта самара бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қурилишлар сифатига алоҳида эътибор бериш лозимлигини яна бир бора уқтирди. Шаҳарларда замонавий, меъморий ечимга эга, яшашга қулай, муҳандислик тизимлари бенуқсон ишлайдиган биноларни кўпроқ қуришни маслаҳат берди. Танлов ғолиблари "Монолитжилстрой", "Андижонвилоятқурилиш", "Вилоятсаноатқурилиш" бошқармалари масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ободончилик ишларини намунали олиб боришмоқда. Биз шаҳарсозликнинг асосий бўғини - коммунал хизмат даражасини яхшилаш вазифасини ўртага қўйганмиз. Кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан мунтазам равишда таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Афсуски, ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар, баъзи бир камчиликлар йўқ эмас. Масалан, газ, сув, электр энергияси тўловларидан қарздорлик камаймаётир. Айниқса шаҳар аҳолиси катта қарздорлардан ҳисобланади. Кунига 37,6 миллион сўмлик электр қуввати истеъмол қилинсаю тўлов 4,4 миллион сўмдан ошмаса, хулосани ўзингиз чиқараверинг. Кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган яна бир гап бор. У ҳам бўлса айрим истеъмолчилар электр энергиясини ўғирлашни одат қилишган. Шаҳарнинг Абдураҳмонов кўчасида яшовчи фуқаро Абдуазимов ўзбошимчалик билан плёнка цехи очган. Боз устига электрдан ўғринча фойдаланган. Султон Жўра кўчасидаги хонадон эгаси А. Абдуллаевнинг электр ҳақидан қарздорлиги 1 миллион 800 минг сўмдан ошганлигини қандай изоҳласа бўлади.

Аслида маҳаллаларимиздаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар биримизда катта ҳавас ва ғурур уйғотади. Лекин ўтмишдан бизга илашиб келаётган камчилик - сен менга тегма, мен сенга, қабилида иш юритиш умумий ишимизга катта зиён етказмоқда. Қалбимдан чиққан нидо шу: бир-биримизга елкадош бўлиб, баҳамжиҳат ишлайлик, одамларимиз ҳузур қилиб яшайдиган масканлар бунёд этайлик. Хайрли, савобли ишдан ҳеч ким четда қолмасин!

**Қ. НОРМАТОВ,**
**Андижон шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи**

## ЙЎЛЛАР РАВОН - ДИЛЛАР РАВШАН









Юртимизда бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасидаги йўл ва кўчалар гўзаллашиб бораётгани кишини қувонтиради. Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган йўлларни қуришга бўлган эътибор бежиз эмас. Зеро, йўлимиз кенг, текис ва ёруғ бўлганига нима етсин.

Бу борада Чиноз туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўлсозлари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ. Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда туман автомобил йўллари сезиларли даражада яхшиланди. Биргина амалдаги йилнинг ўтган 3 ойи давомида йўлсозлар 8 километр масофага тенг йўлни механик таъмирдан чиқардилар.

- Айни чоғда "Алмати - Бишкек - Тошкент - Термиз" автомобил йўлининг 846-километридан 871-километригача бўлган қисмида ўрта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, - дейди корхона бош муҳандиси Шавкат Тошматов. - Бунда асфальтлаш, қарама-қарши ҳаракат ўртасидаги ажратувчи минтақа тўсинларини ва йўл четидаги тўсиқларни бўяш, янгилаш, мустаҳкамлаш, йўналишни кўрсатувчи, огоҳлантирувчи, хабар қилувчи белгиларнинг бўлишига эътибор қаратяпмиз. Рақамлар билан ҳисоблаганда, жамоамиз ўтган давр мобайнида 130 миллион 279 минг сўмлик йўл созлаш ишларини амалга оширишди.

Бундай ишлар кўламини бажаришда участка бошлиқларидан А.Абдуллаев, З.Анорқулов, А.Федоев, ҳайдовчилардан Ю.Ашуров, С.Умбетов, грейдерчи А.Салимбеков, ишчилардан Ш.Тошматов, З.Ёқубов, Н.Усмоновлар алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Ўз навбатида корхонада йўлсозлар турмуш шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчилар учун қулай имкониятлар яратиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Суратларда: корхона йўлсозларининг йўл таъмирлаш ишларидан лавҳалар.**

*Таҳлил нимани кўрсатди?*

## УНУМЛИ МЕҲНАТ ВА БАРАКАЛИ МАОШ

### ижтимоий ҳимоянинг асосий воситаси

***Ўтган йили Навоий вилоятида пахта топшириш бўйича белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Гектаридан ўрта ҳисобда 29,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ялпи маҳсулот 117 минг тоннадан ошди. Шунингдек, вилоятда 153,9 минг тонна ғалла, 612,2 тонна пилла етиштирилди. Бу ютуқда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят, туман ҳамда бошланғич ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор, албатта. Улар меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш шароитларини яратиш, меҳнат мусобақаларини ташкил этиш ва бошқа ташкилотчилик ишларини амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатдилар.***

Шу ўринда мазкур муваффақият замирида нималар ётибди? - деган савол туғилиши табиий. Бу мамлакатимизда давлат ва иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб келаётганлигидадир. Битим ҳамда жамоа шартномаларининг тутган ўрни йил сайин ошиб бораяпти. Уларнинг бажарилиши касаба уюшма қўмиталарининг асосий диққат-эътиборида бўлмоқда. Шу боисдан ҳам жамоа шартномалари орқали ҳар бир меҳнаткашга сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда ҳар бир киши учун ўрта ҳисобда 6100 сўм сарфланган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 18 минг 780 сўмни ташкил этди. Хусусий корхоналарда эса 25 минг 650 сўмга етди.

Битим ҳамда жамоа шартномалари ролини ошириш орқали касаба уюшмалари ташкилотлари мавқеини кўтариш, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, шунингдек, мазкур ҳужжатларда акс эттирилган кафолат ҳамда имтиёзларни ҳаётга тўлақонли тадбиқ этиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Унга асосан меҳнаткашларнинг иш хусусиятларига қараб 20-30 кунгача қўшимча таътиллар берилмоқда. Экиш ҳамда шудгорлаш мавсумида дала меҳнаткашлари учун бепул тушликлар ташкил этилмоқда. Йиғим-терим мавсумида меҳнат мусобақалари одатий тус олди. Хўжалик, корхона ва ташкилотларда ишлаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга, Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашганларга моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Мана шундай ишлар Қизилтепа туманидаги «Деҳқонобод», К. Раҳматов номли, Бухоро, Кармана туманидаги «Ўзбекистон», «Маданият» Конимех туманидаги «Қизилқум», «Абай» номли ширкат хўжаликларида яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга жамоа шартномаларининг бажарилишида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Унинг бандлари бажарилмаслигида бошқарув раҳбарларининг йўл қўйган камчиликлари ўрганилмаяпти, иқтисодий жиҳатдан таҳлил этилмаяпти. Меҳнаткашларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар аниқланиб, айбдорлар эса маъмурий жавобгарликка тортилмаяпти.

Бу аҳволга barҳам бериш учун туман ҳамда бошланғич ташкилотлар маъмурият билан ҳамкорликда иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётганлигини ижарачи, оилавий пудратчи ҳамда фермерлар билан мунтазам равишда таҳлил этиб боришлари зарур. Учраётган муаммоларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим томони шундаки, жамоа шартномасининг қабул қилиниши ва унинг ижроси муҳокама этилаётганда меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга олиниши керак. Шундагина меҳнаткашлар бу ҳужжат тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишади ва унинг бажарилиши ҳам тезлашади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, унумли меҳнат ва баракали маош ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир. Шу боисдан ҳам вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳамда иш ҳақи ўз вақтида берилишига ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Бу борада иш берувчиларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятдаги агросаноат мажмуига қарашли ташкилот, корхона ва ширкат хўжаликларида иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича ўтган йили иш берувчиларга 62 та расмий талаблар қўйилди. Натижада 59,5 миллион сўм ундириб берилди.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида самарасиз фаолият юритаётган ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Жорий йилда мавжуд 65 та ширкатдан 18 таси, келгуси йилда эса 9 таси фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилган. Айни вақтда эса вилоятда 4 минг 901 нафар фермер фаолият кўрсатмоқда. Уларда 29 минг 975 нафар ёлланма ишчи меҳнат қиляпти. Бу касаба уюшма ташкилотлари олдига ҳам ғоятда масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Шу сабабли фермер ва касаба уюшма ташкилотининг ҳамкорлигини таъминлаш борасида бир неча усуллар қўлланиляпти. Мақсад ихчам, айни чоғда ўта самара берадиган бошланғич ташкилотга эга бўлишдир. Лекин вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермерларнинг 17 фоизида ҳали ҳам бошланғич ташкилотлар тузилмаган.

Кези келганда, меҳнат муҳофазаси учун сарфланган маблағ йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини такъидлаш лозим. Ўтган беш йил давомида бу 744,5 миллион сўмни ташкил этди. «Навоийдонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмасининг цехларида бу иш намунали йўлга қўйилган. Кийиниш хоналари замонавий жиҳозланган. Дам олиш хоналари ишчилар хизматида. Навоий пахта тозалаш корхонасида, Қизилтепа туманидаги «Зарафшон», Кармана туманидаги К. Раҳимов номли ширкат хўжаликларида ҳам бу борадаги ишлар тўғрисида илиқ гапларни айтиш мумкин.

Лекин, афсуски, Навбаҳор туманидаги «Наврўз», Хатирчи туманидаги А. Пўлатов номли ширкат хўжаликларида бу муҳим тадбир ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Механизаторлар ва созловчилар махсус кийим-бош билан таъминланишмаган. Қизилтепа туманидаги пахта тозалаш заводида ишчиларга пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари берилмаган. Ушбу тадбирга жавобгар шахсларнинг лоқайдлиги туфайли ишлаб чиқаришда тез-тез бахтсиз ҳодисалар учрамоқда.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бугуннинг одамлари*

## МИЛЛИЙ ҒУРУР

### қалбда жўш урса

***Муҳиддин Камолов кундалик ишларида жамоа шартномасини тез-тез қўлига олиб, варақлаб туришни одат қилган. Негаки, унда 6 мингга яқин маорифчининг умид-ишончи, эртанги куни орзу-ниятлари муҳрланган. Шунинг учун бугун ҳам шартноманинг ходимларни соғломлаштириш, иш берувчи билан касабақўмнинг мажбуриятларини назардан ўтказиб ўтирарди. Касаллик варақаси тўловлари бўйича ҳисоботи, кузатишлари дарҳол хотирага келди. Ён дафтарига кам қонли, ошқозон-ичак, асаб касаллиги билан оғриётган беморлар сони кўпайиб бораётганини қайд қилиб қўйганди.***

Касабақўм раиси маорифчиларнинг меҳнат муҳофазаси борасида ҳеч кимга ён бермаган. Бу гал ҳам қатъий йўл тутди. Таълим ва фан ходимлари тармоқ вакиллиги олдига юқоридаги касалликларни даволайдиган санаторийларга жалақудуқлик ўқитувчилар учун кўпроқ йўлланмалар ажратилиши талабини қўйди. Мутасаддилар билан анчагина баҳслашувлар, жойларга қўнғироқбозликдан сўнг иши юришгандай бўлди. 3-4 дона йўлланма ҳайтовур қўлга тегди. Ижтимоий шерикчилик соҳасида орттирган тажрибаси Муҳиддин акага яна қўл келди. Муаммо ечимини излаб туман ҳокимлигида, марказий шифохонада, «Маҳалла» хайрия жамғармасида катта-кичиклар билан учрашди. Нефтчилар шаҳарчаси фуқаролар йиғинидаги қадрдонлар мушкулини осон қилди. Аслида ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш илинжида тиниб-тинчимайдиган, куюнчак инсонларга ҳамкорларнинг бағри ҳамиша очиқ. Гап орасида йиғиннинг ўша пайтдаги раиси Муҳаммаджон Болтабоев шаҳарчадаги «Савой» оромгоҳида маорифчиларни соғломлаштириш масаласини ўртага ташлайди. Лекин бир ишкаллик - сиҳатгоҳнинг бошқа туманда - Қумтепа агросаноат мажмуи тармоқ қўмитаси тасарруфига кириши Муҳиддин ака учун жумбоқ эди. Устига-устак таълим ва фан ходимлари вилоят вакиллигининг фикрини билиш керак. Чунки молиялаштириш масаласида тармоқ вакиллигининг рухсатисиз иш битмайди. Вилоят вакиллиги жонкуяр раиснинг раъйини қайтармади. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан маорифчиларни соғломлаштириш тадбирларига 1 миллион сўм ажратилди. Шу маблағ эвазига 20 нафар ишловчи нефтчилар шаҳарчасида дам олдирилди.

23-мактаб ўқитувчиси М.Қўзиева хомиладорлик таътили ойлари учун иш ҳақини, бунинг устига туғишдан кейинги суюнчи пулини ҳам ололмаётгани ҳақида касабақўмга мурожаат қилди. Нақд пул йўқ баҳонасида «Пахтабанк» маъмурияти сансалорлик қилаётганини Муҳиддин ака аниқлайди. Маъмурлар касабақўм томонидан прокуратура идораларига огоҳлантириш хати тақдим этилаётганидан огоҳ бўладилар. Натижада 36 минг сўм маблағ М.Қўзиевага тўлаб берилди.

Жалақудуқлик маорифчилар 27 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларига жипслашган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўқув-тарбия сифатини кўтариш, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўқувчи ёшлар билимларини чуқурлаштириш тадбирларида жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлаяпти. Бу юмушлар меҳнат қонунчилигига оғишмай амал қилиш, ишловчиларнинг меҳнатини муҳофаза этиш, ходимларни рағбатлантириш, спорт-соғломлаштиришга эътиборни кучайтириш билан уйғун олиб борилмоқда.

Хавфсиз-хатарсиз меҳнат ва маиший шароит яратиш юзасидан жамоа шартномасида расмийлашган бандлар изчил бажарилмоқда. Авария ҳолатидаги 28- ва 41-мактаблар капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Ўқитувчилар учун дам олиш хоналари мавжуд. Кутубхона ишлаб турибди. Ошхона, спорт заллари, лаборатория ўқувчилар ихтиёрида. Ёзги таътилда касабақўм ҳамда иш берувчи ҳамкорлигида Ширмонбулоқ, Хонобод, Қамбарота каби табиатнинг сўлим гўшаларига қисқа муддатли сайру-саёҳатлар уюштирилмоқда.

Давлат таълим стандарти талабларидан бири, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигига эришишдир. Бу ишни устозларнинг касбий маҳоратисиз тасаввур этиб бўлмайди. Туман халқ таълими бўлими билан бақамти «Йил етакчиси» кўрик-танловлари мунтазам ўтказилмоқда. 23-гимназия муаллимаси Дилоромхон Маллабоева 2004 йилда бўлиб ўтган республика «Йил етакчиси» кўрик-танлов ғолиби бўлди. 20-мактабда тил-адабиётдан дарс бераётган Раъноҳон Маллабоева эса жорий йилдаги танловда 3-ўринга мушарраф бўлди.

Жалақудуқлик ўқувчи-ёшларнинг республика фан олимпиадалари совриндорлари қаторидан ўрин олаётганлиги қувонарлидир. Масалан, 1- ва 23-лицей талабалари Жасур Раҳмонов, Дилором Абдуллаевалар ҳамда 4-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Иброҳимов жорий йилда ўтказилган фан олимпиадаси республика босқичида қатнашиб, ёш математиклар сифатида ўз истеъдодларини намоён қилдилар.

Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат қонунчилигини мустаҳкамлашдаги ибратли фаолиятини таъкидлаш жоиз. Мисол учун 27-мактабнинг бир гуруҳ ходимлари устама ҳақ тўловидаги адолатсизликлар юзасидан шикоят қилишади. Лекин иш берувчи уларнинг қонуний талабини назар-писанд қилмайди. Тармоқ касабақўмининг аралашуви билан бошлиқ вазифасидан четлатилди, маорифчиларга етказилган моддий зарар қопланди. 26-мактаб ўқитувчиси Баҳодиржон Жалилов эса иш пайтида тан жароҳати олади. Текширишларда бу воқеага директор Ўразбек Шамаевнинг масъулиятсизлиги сабаб эканлиги маълум бўлади. Баҳодиржонга 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам уюштирилди.

Жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга жамоа шартномасида алоҳида ўрин берилган. Мавжуд 50 та таълим даргоҳларида футбол, минифутбол, гандбол, кураш, шахмат-шашка, стритбол каби 20 тага яқин спорт секциялари ташкил қилинган. «Учинчи минг йиллик болалари» шиори остида спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. 2-болалар боғчаси жажжилари жорий йилги «Полвонжон-соғломжон» вилоят кўригида 2-ўринга муносиб топилди. Жалақудуқлик ўқувчилар орасидан маҳоратли самбочилар етишиб чиқаётганлиги таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон чемпионати кумуш медали соҳиби Маҳлиё Йўлдошева ва олтин медали соҳиби Гулчеҳра Мамановалар шулар жумласидандир. Муқаддам Кармшақова эса шу кунларда Тошкентда бўладиган самбочилар Осиё чемпионатига қатнашишга ҳозирланмоқда.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

# ОЗОДАЛИКДА ГАП КЎП

***Аҳоли зич яшайдиган истиқоматгоҳларда кўпқиррали ҳаётнинг ўзига хос муаммолари бўлиб, уларни ўз вақтида ҳал этиш зарур. Буларнинг ичида энг муҳим омил ҳар тарафлама тозаликка эришишдир. Санитария хизматининг бу борадаги аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Самарқанд шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бу борада бирмунча ишларни амалга оширмоқда.***

– Ижтимоий масалалар, айниқса халқимиз соғлиғини сақлаш республика мустақиллигининг илк давриданоқ диққат-марказда бўлди, - дейди бош ҳаким Ўрозбой Раҳматов. – «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг бир қатор Фармонлари, 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик эл соғлигини таъминлаш йўлидаги ишлар кўламини кенгайтириш имконини бермоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳар ДСЭНМда барча турдаги эмдорилар ва зарур воситалар етарлича мавжуд. Шаҳар ҳудудида юқумли касалликлар манбаларини аниқлаш, зарарсизлантириш изчил йўлга қўйилган. Одамларнинг ўзлари ҳам ўз саломатлигини асраши зарурлигини англаб, бунинг учун кўпроқ ҳаракат қилишмоқда. Шу боис шаҳарда юқумли касалликлар 2005 йилнинг I чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам қайд этилди. Айниқса, меҳрибонлик уйлари ва мактабларда олиб борилган ишлар ўз самарасини берди.

Касалланишларнинг олдини олишда фақат эмлаш эмас, балки иш, яшаш жойи тозалигининг, атроф-муҳит мусаффолигининг, бошқа кўплаб омилларнинг ҳам аҳамияти катта. Барча жабҳаларда тозаликка, санитария меъёрларининг бажарилишига, ижтимоий осойишталикка эришилмаса, профилактика тадбирларининг самарадорлигини таъминлаш қийин бўлади. Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, «агар чанг ва ғам бўлмаса инсон минг йил умр кўрар эди». Зеро, баҳаво ва осойишта жойларда яшаб, ишлайдиган кишиларнинг соғлиғи яхши бўлади. Янги қуриладиган корхоналарни лойиҳалаштиришда санитария-техник меъёрлар ишлаб чиқилаётганлиги ҳам шу боис. Бу қоидаларга қатъий амал қилиш меҳнат муҳофазасини ташкил этишда, касб касалликларига чалинишнинг ва бошқа хил касалланишларнинг олдини олишда жуда асқотади. Шу сабабли шаҳар ДСЭНМ ходимлари режага мувофиқ корхоналарда иш жойларининг санитария ҳолатини вақти-вақти билан текшириб боришади. Ҳаво намлиги, чангланиши, ёруғлик даражасининг меъёрда бўлиши муҳимдир. Шу мақсадда ўтказилган лаборатория текширувларида аниқланган камчиликлар имкон қадар жойида бартараф этилади. Янги, экологик тоза технологияларнинг қўлланилиши анчагина муаммоларга барҳам бермоқда. Самарқанддаги ўнлаб корхоналардаги иш жойлари бугунги кунда юксак санитария талабларига тўла мос келади. Шунга қарамасдан шаҳар табиатига, ҳавоси, суви, тупроғига саноат корхоналари чиқиндилари, автомобилларнинг ис газлари салбий таъсир қилмоқда. Хонадонлардан ҳар куни чиқариладиган чиқиндиларнинг, техник ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида санитария қоидаларига риоя қилмасликнинг салбий таъсири ҳам кам эмас.

Масаланинг мураккаб жиҳати ҳам мана шунда. Шу боис саноат корхоналарига қўйиладиган меъёрий талаблар қонун асосида назорат қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд кимё заводи, «Бахмал» қўшма корхонаси, «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ҳужум» ҳиссадорлик жамияти каби корхоналарда ўтказилган текширишлар ва қўлланилган тадбирлар натижасида улар томонидан атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши даражаси камайтирилди. Шу жараёнда 40 дан зиёд объектлар фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Лекин якка тартибдаги тадбиркорлар ва хусусий корхоналар раҳбарлари санитария нуқтаи назаридан қўйилаётган талабнинг моҳиятини тўғри тушуниб етишмаяпти. Масалан, кабобпаз оддийгина талабни бажариши, манқал устига мўри ўрнатиб, тутун юқорига кўтарилиб тарқалишини таъминлаши керак. Бу иш катта харажат талаб қилмайди. Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда кескин чоралар қўлланилди. Натижада юқорида айтилган нохуш ҳолатлар сезиларли даражада камайди.

Шаҳарнинг умумий тозалигини ва ободончилигини таъминлаш кенг кўламли масала. Бу борада асосий масъулият Самарқанд шаҳар ободончилик департаменти зиммасига юклатилган. Унинг имкониятлари кейинги йилларда анча яхшиланди. Ўнлаб янги техникалар келтирилди. Булар ёрдамида шаҳар ҳудудида ҳар куни чиқариладиган 400-450 тонна маиший чиқиндилар узлуксиз ташиб кетилмоқда. Турар-жой даҳаларида юзлаб йирик ахлат ташлайдиган қутилар ўрнатилди. Ҳаводаги зарарли газлар ва чанг миқдорини табиий камайтириш учун кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилаяпти. Битта ўртача дарахт 12 кишининг эҳтиёжига етадиган кислород ишлаб чиқаради. Тўрт квадрат метр жойдаги гулзор, майсазор ҳам шундай имкониятга эга. Айтмоқчимизки, шаҳардаги дарахт сони ва гулзор майдони аҳоли сонига ана шу нуқтаи назардан мутаносиб бўлиши керак.

Шаҳарда бир нечта якка тадбиркорлар, хусусий корхоналар маиший чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган. Лекин улар асосан полиэтилен чиқиндилар доирасида чекланиб қолишган. Бундан ташқари кичик корхоналар, цехларнинг қуввати ниҳоятда кам. Бу соҳа инвестициялар киритилишига, янги технологиялар жорий қилинишига жуда-жуда муҳтож. Маиший чиқиндилар узлуксиз чиқарилиши, уларни қайта ишлаш муаммоси мавжуд экан шаҳар ташқарисидаги ахлат ташланадиган жойни тоза, зарарсиз сақлаш мураккаб бўлиб қолаверади. Бу борада марказ ўз таклифларини шаҳар ҳокимлигига киритган.

Санитария ходимлари ваколат доирасида ўз вазифаларини етарлича бажараётганларига шубҳа йўқ. Лекин шунга қарамасдан сифатсиз озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки четдан олиб келиш барҳам топмаяпти.

Чунки бу нарса ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир тадбиркор ва ишлаб чиқарувчининг жамият олдидаги ўз масъулиятини англаши ва бурчини бажариши даражаси билан изоҳланади. Бундай ҳолатларга қарши божхона, ички ишлар, солиқ идоралари билан бирга режали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг санитарияга оид билимлари даражасини ошириш борасида ҳам кўплаб ишлар қилинмоқда. Нимага деганда, одамларнинг соғлигини сақлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги барча ишларнинг марказий нуқтаси айни мана шундадир. Билимли киши санитария қоидаларига риоя қилишнинг, яъни ўзини зарарли омиллар таъсиридан сақлашнинг мазмун-моҳиятини теран тушунади. Ўз хонадони, иш жойи, маҳалласи ва шаҳрида ҳаво, сув, атроф-муҳит тоза бўлишига, бу жойлар ифлослантирилмаслиги пайида бўлади. Бу билан ўзига ҳам бошқаларга ҳам катта наф етказади.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Юртимиз шифо масканларида

# «ОҚТОШ» МЎЪЖИЗАСИ

***Ўзбекистонни бекорга жаннатмакон юрт дейишмайди. Агар мамлакатимизнинг жанубий вилоятларига йўлингиз тушиб қолса, бу ердаги осмонўпар тоғларни, яшиллик билан қопланган яйловларни, яшнаётган арчазорларни кўриб, бу таъриф беҳудага айтилмаганига иймон келтирасиз. Ушбу тоғлар ўлкамиз табиатига чирой бағишлабгина қолмасдан, инсон бахт-саодати, фаровонлиги, саломатлиги ва умрининг узайиши учун ҳам хизмат қилмоқда. Ана шулардан бири Хўжаикон туз кони таркибида фаолият кўрсатаётган «Оқтош» сиҳатгоҳидир.***

Анча йиллар олдин «Фан ва турмуш» журналида ушбу туз конидаги, бўшаб қолган ғорлар ўрнида бир қатор касалликларни бартараф этишга мўлжалланган муолажа шохобчаси очилганлиги ҳақида хабар ўқигандим. Тақдир тақозоси билан Сурхон воҳасига йўлим тушганида, ана шу янгилик эсимга тушди ва шу тўғрида суриштирдим.



– Сиз журналда ўқиган шохобча бугунги кунга келиб каттагина сиҳатгоҳга айланган, - деди шерободлик дўстим Қўчқорбой. – Ҳозирда бу ерга узоқ-узоқлардан, ҳатто, Ҳамдўстлик мамлакатларидан беморлар келиб даволанишяпти. Хоҳласангиз, олиб борамиз, биздан унчалик олис эмас.

Мана, Шеробод тизма тоғларига жойлашган «Оқтош» туз кони ҳудудидамиз. Сал наридан кўз ташласангиз, тоғнинг пастки қияликлари ҳам қалин қор кўрпаси билан қоплангандек туюлади. Яқинроқ борсангиз, улар қор эмас, балки туз эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ер юзида ош тузи конлари сероб. Аммо, тошлар билан қўшилиб кетганлари кам. Бу нарса она заминимиз мураккаб жараённи босиб ўтганлигининг, бир маҳаллар мана шу тоғликлар ҳам қалин шўр сув остида бўлганлигининг нишонасидир, балки!

Айтишларича, кон қадим-қадимдан одамларга маълум бўлган ва улар оддий усулда, болта-ю тешалар билан тузни ажратиб олиб от ва туяларда олис-олисларга, ҳатто, қўшни мамлакатларга сотиш билан шуғулланишган. Аммо, бир ҳолат хушёррок кишилар эътиборини тортган. Чунки бу ерда туз қазиб олиш билан шуғулланганлар деярли касаллик юрт эканлигини билишмас экан. Шу тариқа аста-секин тузи кавлаб олинган ғорларда ҳосил бўлган қудуқларда бир неча соат ўтириш билан беморлар дардларига даво топишган. Шу тариқа «Оқтош» шифохонаси довруғ қозонган.

– Ош тузи кўплаб касалликларга шифобахш таъсир кўрсатади, - дейди сиҳатгоҳ бош ҳакими Ҳалилжон Раҳмонов. – Бинобарин, ундан қадимдан билганича фойдаланиб келишган. Ниҳоят туз қазиб олиниб, бўшаб қолган ғорларни муолажахоналарга айлантириш масаласи ҳал этилди. Ғор яқинида 20 ўринли чодир тикланиб, туз конидан пастроқдаги Чорбоғ қишлоғида сиҳатгоҳ қуришга киришилди. Ҳозирги кунда санаторийда 60 ўринли ётоқхона, ошхона, электр билан даволаш хоналари, шунингдек, муолажа учун асқотадиган бошқа шохобчалар ишлаб турибди. Бу ерга беморлар алоҳида автобусларда олиб келтирилиб, мослаштирилган ғорларда муолажа оладилар.



Бош ҳаким тилга олган ғорларга кирсангиз, ўзингизни эртаклар оламига тушиб қолгандай ҳис этасиз. Электр чироқлари ёғдусида туз қолдиқларидан ҳосил бўлган хилма-хил афсонавий кўринишлар кишини ҳайратда қолдиради. Ғорнинг узунлиги 150 метрлар чамасида бўлиб, 3 та муолажа хоналаридан ташкил топган. Таъкидлашларича, хоналар ҳарорати мўътадил бўлиб, қишин-ёзин 17-21 даража илиқ атрофида сақланади. Шунингдек, ҳар бир хонада алоҳида хусусиятларга эга шифобахш булоқлар қайнаб чиқиб туради ва улардан беморлар даволаниш мақсадида фойдаланадилар. Ҳавоси шунақа юмшоқ ва енгилки, гўёки, ҳар нафас олганингизда қаймоқ ютаётгандек бўласиз. Беморлар бу ердаги ўриндиқларда шифокорлар томонидан белгиланган муддатлар бўйича дам оладилар, кроватларда ухлайдилар ва муолажа учун мўлжалланган бошқа тадбирларни адо этадилар.

– Ғорларимиз ва булоқларимиз, хусусан, нафас йўллари касалликлари учун тенгсиз шифобахшлик хусусиятига эга, - дейди суҳбатимиз давомида Ҳ.Раҳмонов. – Сиҳатгоҳимиз сурункали бронхиал астма, ревматизм, полиартрит, бўғим, қон босими, тери, бел, оёқ, қўл ва милк касалликлари учун ҳам ғоят фойдалидир. Бизга ташриф буюрган беморларнинг асосий қисми 18-20 кун ичида муолажа олиб, касалликлардан фориғ бўлиб кетмоқдалар. Шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларимиздан Исмат Ҳамидов, Ҳамид Менглиев, Умида Худоёрова ва бошқалар беморларнинг тезроқ соғайишлари учун бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Бандлик дастури – амалда!

### ЯНГИ КОРХОНА

***Шаҳрисабздаги ҳаммом анчадан буён фойдаланилмай, ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Ушбу бинода бугунги кунда кийимларни кимёвий усул билан тозалаш ҳамда кир ювиш корхонаси иш бошлади.***

Саид Ашуровга бир неча йил шу соҳада ишлаб етарли тажриба орттирганлиги қўл келди. Туман меҳнат бўлими томонидан қўшимча ишчи ўрин яратиш мақсадида 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, кийимларни кимёвий усул билан тозалаш ускунаси ўрнатди. Корхона тўлиқ ишга тушгач, 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

– Кейинчалик бу ерда тикувчилик цехи очишни мўлжаллаяпмиз, - дейди тадбиркор. – Бу яна 20 нафар хотин-қиз ишга олинади демакдир.

Дарвоқе, корхонада кейинчалик темирчилик, пайвандчилик, совутгичларни таъмирлаш цехлари ҳам ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

**Ш.СУЛТОНОВ**





Мустақиллик йилларида пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш учун кўплаб чет эл сармоялари киритилди. Шулардан бири «Боғоттекстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасидир. У 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, йилига 1550 тонна ип калаваси ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни чоғда чет элда ишлаб чиқарилган компьютерлаштирилган ускуналарни маҳаллий ёшлар бошқармоқда.

**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# ҚИШЛОҚДА ИШ ЎРИНЛАРИ

***Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бекобод туманида ҳам иқтисодиёт келажагини белгиловчи бу соҳани юксалтиришга эътибор муттасил ортиб бормоқда.***

Айни пайтда туманда кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, хусусан, хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширияпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги тармоқлари ташкил этилаяпти. Ўтган йили шу мақсад йўлида муайян ишлар қилинди. Махсус дастур асосида иш олиб борилди. Унда янги кичик корхоналар барпо этиш, уларнинг саноат маҳсулоти ҳажмидаги улушини сезиларли равишда ошириш, шунингдек, 4142 та янги иш ўрни яратиш назарда тутилган эди. Бу вазифанинг амалга оширилишида туман ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, тижорат банклари ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаоллик кўрсатди.

Ҳозирда туманда 1085 та хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, 714 та фермер, 24246 та деҳқон хўжаликлари бор. Қувонарлиси, улар сони тобора ортиб бормоқда.

- Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари давомида режага асосан 30 та корхона ташкил этиш кўзда тутилган эди, - дейди туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Одилжон Охунов. - Амалда эса 47 та ана шундай тузилмалар барпо этилди.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ўзларининг имтиёзли, кам фоизли кредитлари билан хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, сўнгги тўрт ой давомида 936 миллион 74минг сўм миқдорида кредит ажратилди. Ишбилармонлар уни хомашё, асбоб-ускуналар сотиб олишга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга сарфладилар. Энг муҳими, янги кредитлар эвазига 517 та янги иш жойи яратилди. Уларнинг барчаси қишлоқ жойларида ташкил этилди.

## “Ишонч” фош этади

# ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК

### асосида ташкил этилган фермер хўжалиги инқирозга учради

***Поп туманида ҳам фермерлик ҳаракати гуриллаган кезлар эди. Ишбилармонлар ўзига, юртига бу янгиликдан келадиган нафни юрагидан ўтказиб, “етти ўлчаб бир кесиб” иш кўра бошладилар.***

***Яна кимлар эса нима қилиб бўлса-да ерни эгаллаш илинжида мутасаддилар қабулхонасида уймаланишарди.***

Фуқаро Б. Турдалиев ўзи яшаётган ҳудуддаги “Поп” ширкат хўжалиги бошқарувига йўлиқиб, ер қўлга кирса, фермерликни “гуллатиши” ҳақида қуюқ ваъдалар беради. Аммо иш бошқа, ҳавас бошқа. Б. Турдалиевнинг деҳқончиликдан хабари борми, бизнес-режа тузилганми, техникаси, ҳисоб-китоб юритишни биладими каби масалалар негадир ширкат раҳбариятини қизиқтирмади.

Номигагина ўтказилган пайчиларнинг умумий йиғилишида Б. Турдалиевга 27 гектар ер ажратилиши, тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралиши юзасидан қарор қабул қилинди. Кампаниячилик, баъзи одамларнинг бирёқлама иш юритиши Б. Турдалиевга қўл келди. Хуллас, ҳокимликнинг 1998 йил февралида Б. Турдалиев бошчилигида "Юлдуз" фермер хўжалиги ташкил топганлиги тўғрисидаги қарори расмийлашди.

Ерни боққан элни боқади, деган гап бор. Дастлабки йиллари хўжалик ўзини оқлади. Ер билан тиллашиб, пахта ва ғаллачилик йўналишида иш юрита бориб, белгиланган шартномавий режаларни уддалади. Муҳими, ижтимоий ҳимоянинг асосий шарти - иш ҳақи жамоадаги 15 нафар меҳнатчининг қўлига ойма-ой тегиб турди, натижада қозон ҳам, чўмич ҳам мой.

Бироқ назоратнинг сустлигидан фойдаланган фермер нотўғри йўлга кирди. Б. Турдалиев ўйлаб қараса, унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўляпти. Тасарруфида каттагина ер майдони, даромадни ўзи тақсимлайди. Пайт пойлаб енг учида иш қила бошлади. Яъни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни гоммос билан тўйинтириш, тупроқ таркибини бойитиш эмас, ғайриқонуний йўллар орқали даромад орттиришга ружу қўйди.

2003 йили 12 гектар ижарадаги майдонни ер қонунчилигини қўпол равишда бузиб, ўзга шахсларга талон-торож қилдирди. Ердан мақсадсиз фойдаланишга йўл қўйди. Пахта ва ғалла олишга мўлжалланган ерларда бозорбоп маҳсулотлар - қовун, тарвуз, сабзавот етиштирилди. Қарангки, таъминотчи корхоналардан берилган нефт маҳсулотлари, маъданли ўғитлар давлат буюртмасидаги пахта-ғалла экинзорларига эмас, юқорида тилга олинган чорбозорчи ҳамтовоқларнинг томорқаларига ишлатилди.

Оқибатда 30 гектардаги ғўза қаровсизликдан бегона ўт ичида қолди, устига-устак зараркунандаларга ем бўлди. Ишловдан, парваришдан қисилган 5 гектар ердаги ғалла ҳосили ҳам йўққа чиқди. Ҳолва деган билан оғиз чучирмиди. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом, дейди халқимиз. Ахир ризқи-рўзимиз, нон-насибамиз умр бўйи ердан! Шундай экан, ернинг қадрига етмаган, талон-тарож бўлишига йўл қўйганнинг косаси оқармайди. Турдалиевнинг кўзбўямачилиги ҳам ошкор этилди. Режадаги 50 гектар ўрнига, 30 гектарга чигит қадагани текширишларда аниқланади. Кузда ғалвир сувдан кўтарилганда юзи шувут бўлди. Негаки, белгиланган режа барбод бўлди. Ҳосилдорлик 6,2 центнерни ташкил этди, холос. Эсиз ер!

Б. Турдалиев сурункасига тўрт йилдан буён контрактация шартномасини писанд қилмай, фермерлик шаънига доғ туширди. 2000 йили гектаридан 32,2 центнердан пахта хирмони уйиш, ялпи ҳосилни 110 тоннага етказаман деб кўкрагига уриб ваъда берганди. Афсуски, ернинг умри беҳуда ўтди. Атиги 32,2 тонна хомашё тайёрланди. Ҳосилдорлик 9,8 центнерни ташкил этгани ҳам кўп нарсани англатиб турибди. Ғаллачиликда ҳам шартнома мажбурияти барбод бўлди. 2002 йили яна шарманда бўлди. 46,7 гектар майдондан атиги 1,4 центнердан хом ашё тайёрланди.

Маҳсулот етиштиришдан баракa кетгач, тўлов интизоми ҳақида гапириш ортиқча. Фермерликнинг мижозлардан 11 миллион сўмдан ортиқ қарзи бор эди. Шу боис гоҳ туман солиқ инспекцияси, гоҳ машина-трактор парки, гоҳ “Донмаҳсулотлари” ҳиссадорлик жамиятидан вакиллар кўрсатилган хизматлар ҳақини талаб қилиб, Б. Турдалиевнинг эшигини қоқяптилар. Фермерликдаги ёлланма ишловчиларнинг ойлик маошлари, нафақа пуллари тўлови ҳам қоғозда қолди...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишида Президентимиз таъкидлаганидек, ер ажратиш, фермерларни танлаш ишлари, ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов тендер асосида ўтказилиши муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик кўринишларига кескин барҳам бериш лозим.

Таассуфки, ислоҳот йўлидаги ана шу тўсиқлар Поп туманида тугатилган эмас. Мана бунисига нима дейсиз, 2002 йилда "Юлдуз" фермер хўжалигида ердан мақсадсиз фойдаланиш давом этаётган, хўжалик иқтисодиёти ночорлашиб бораётган бир пайтда туман ҳокимлигининг қарори эълон қилинди. Унда Б. Турдалиевга “Поп” ширкат хўжалигидан қўшимча 30,5 гектар ер ажратиш кўзда тутилганди. Тумандаги ўнлаб оилаларнинг фермерликни ихтиёр этиш, ер ажратишга доир аризалари тахланиб ётган бир шароитда, инқироз ёқасида турган Б. Турдалиевни қўшимча ер билан сийлашни қандай тушунса бўлади?

"Юлдуз" фермер хўжалигида ер қонунчилигидаги бузилишлар жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлди. Ниҳоят Поп туман ҳокимлиги, "Поп" ширкат хўжалиги қайд этилган фермер хўжалигига 50 йил муддатга берилган 52,2 гектар ернинг ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида Наманган вилоят хўжалик судига даъво аризаси йўллади.

Суд мажлиси Б. Турдалиевнинг сохта фермерлик йўлида бойлик орттириш, ердан шартномада кўрсатилган мақсадда фойдаланмаслик каби хатти-ҳаракатларини қонун нормаларига зид деб баҳолади. Даъвони қаноатлантириб, жавобгар ихтиёридаги ерни мулк эгаси "Поп" ширкат хўжалигига қайтариш юзасидан қарор чиқарди.

**Г.АҲМЕДОВА,**
**Наманган вилояти хўжалик суди раиси ўринбосари**
**А.РЎЗИМОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

***САВОЛ: 18 ёшгача тўланадиган болалар нафақаси ҳақида маълумот берсангиз.***

**Д.ЖЎРАЕВА,**
**Чироқчи тумани**

# 18 ЁШГАЧА ТЎЛАНАДИГАН БОЛАЛАР НАФАҚАСИ

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»-ги Низомга биноан мазкур нафақани 16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган оилалар олиш ҳуқуқига эга.

Оилаларга бундай нафақани тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки фуқаролар йиғини томонидан шундай масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинади. Ушбу комиссия таркиби фуқаролар йиғини (Вакиллар йиғилиши) томонидан фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи энг обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор фуқаролар орасидан сайланади. Комиссияга фуқаролар йиғинининг раиси бошчилик қилади. комиссия аъзолари 2 йил муддатга, фуқаролар йиғини раиси эса – унинг ваколатли даврига сайланади. Мазкур комиссия аъзолари таркиби камида 20 кишидан иборат бўлиши керак. Бунда комиссия таркиби, раисдан ташқари, ҳар йили 50 фоизга янгиланади.

Нафақа боланинг онаси ёки отаси томонидан шахсан берилган аризага биноан 6 ой муддатга тайинланади ва ҳар ойда тўлаб борилади. Бу муддат тугандан сўнг аризачи янги олти ойлик муддатга нафақа тайинлаш учун ариза бериши мумкин.

Нафақа:

– бир болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 50 фоизи;

– икки болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 100 фоизи;

– уч болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 140 фоизи;

– тўрт ва ундан кўп болали оилаларга – энг кам иш ҳақининг 175 фоизи миқдорида белгиланади.

Нафақа олиш учун қуйидагилар афзаллик ҳуқуқига эга:

– бир ёки бир нечта ногирон болани тарбиялаётган оилалар;

– отаси ва онаси йўқ оилалар, агар болалар тарбияси билан қариндош-уруғлар шуғулланаётган бўлса;

– оилада болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлса;

– оилада болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам маҳаллий меҳнат органида иш излаётган шахс сифатида рўйхатда турган ишсиз бўлса.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки комиссиялар нафақани тайинлаш ва тўлашда қуйидаги асосий тамойилларга бўйсунишлари лозим:

– ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш;

– ошкораликни таъминлаш;

– балоғат ёшидаги меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида боқимандалик, ўзининг иқтисодий фаоллиги эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига кун кечириш кайфиятларига йўл қўймаслик;

– болалар тарбияси, уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий аҳлоқий ривожланиши учун оиланинг масъулият ҳиссини кучайтириш;

– давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож, ўз даромадларини сезиларли даражада оширишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлмаган кам даромадли оилаларга нафақа тўлаш.

Қуйидаги ҳолларда нафақа тайинланмайди ва тўланмайди:

– болалари тўлиқ давлат таъминотига олинган оилалар. Агар оиладаги болаларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаса, у ҳолда нафақа давлат таъминотига олинмаган болалар учун ҳисоблаб чиқиб тўланади;

– ота-оналари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган оилаларга;

– болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий ривожланишига имкон берадиган даражада моддий фаровонлик (даромад)га эга оилаларга.

Олинган нафақа пуллари соliққа тортилмайди. Мазкур нафақа тўланиши оилага бошқа турдаги нафақалар (жумладан кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам) тайинланишини рад этишга асос бўла олмайди.

Нафақа доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига ёзма ариза билан мурожаат қилган (алоҳида ҳолларда эса мазкур орган раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилган) оилаларга тайинланади. Аризада нафақа сўраб мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек, оила аъзолари (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг ялпи даромадини ҳисоблаб чиқиш учун белгилаб қўйилган даврда) олган даромадлари миқдори кўрсатилади.

Нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилган шахс аризадан ташқари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– оила таркиби тўғрисида турар жойидан маълумотнома;

– болаларнинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалари нусхалари;

– васийликка олинган болалар учун нафақа тайинлашда – васийлик ҳуқуқини берувчи орган қароридан кўчирма;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига биноан – оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида маълумотнома;

– 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга – мазкур шахс ҳақиқатан ҳам ўқув юртида ўқиётганлиги ва стипендия олмаслиги тўғрисида ўқув юртидан маълумотнома;

Нафақа тайинлашга оид аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг котиби томонидан махсус қайдлов журналида рўйхатга олинади, бунда ариза келиб тушган сана, унинг қисқача мазмуни, фуқаролар йиғини томонидан қарор қабул қилинганидан кейин эса – қабул қилинган қарор ҳақида маълумотлар, унинг санаси ва баённоманинг рўйхат рақами кўрсатилади.

Ариза тушган санадан бошлаб икки ҳафта мобайнида махсус комиссия аризачи оиласининг моддий шароитини ва мол-мулки аҳволини ўрганиб, ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқади, тегишли акт тузади ва шу асосда икки ҳафталик муддатда фуқаролар йиғини(фуқаролар вакиллари мажлиси)га ёки фуқаролар йиғини томонидан нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссияга нафақани тайинлаш ёки тайинламаслик ҳақида таклиф киритади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз ҳисоб рақамидаги маблағлар ва нафақанинг белгилаб қўйилган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда, нафақани тайинлаш учун мезон ва асосларни мустақил равишда белгилайди.

Нафақани тайинлаш ёки тайинламаслик тўғрисидаги қарор шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ёки фуқаролар йиғини томонидан шундай масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Ушбу йиғилишда аризачи (ёки оиланинг балоғатга етган бошқа аъзоси) иштирок этиши шарт.

Нафақа тайинлаш рад этилган барча аризалар бўйича (бундай қарор қабул қилинганидан сўнг беш кунлик муддат ичида) аризачига ёзма равишда раддия сабаблари кўрсатилиб маълум қилинади.

Хатингизда қўйилган саволга оид яна қуйидаги маълумотларни келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига биноан мурожаатнома берувчининг исми-шарифи турар жой манзили кўрсатилган ва имзоси қўйилган ариза, шикоят ва таклифларни давлат органлари (шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) мансабдор шахслари қабул қилишни рад этишлари мумкин эмас. Бундай ҳолатлар юзасидан фуқароларимизнинг юқори давлат органларига ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи Қонун билан кафолатланган.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ





## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

# КАСБ КАСАЛЛИГИ деганда нимани тушуниш керак

***САВОЛ: қайси касалликлар касб касалликларига киради?***

**З.АЛЛОБЕРГАНОВА,**
**Беруний тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 6 - иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган. Бу касалликлар қуйидаги 7 та бўлимга бўлинади:

1.Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

2.Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

3.Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

4.Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

5.Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

6.Кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар, дори-дармонлар, вакқиналар, биология табиати моддалари, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7.Иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг ҳар бирининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин. Касб касаллигига нафақат рўйхатда кўрсатилганлар, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда аниқланган зарарнинг таъсир қиладиган шароитда ҳар бирининг қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 - июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида ишловчи махсус тузиладиган тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари у ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини ҳал қиладилар.

# ШУ КАСАЛЛИККА ЧАЛИНГАНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

***САВОЛ:1992 йилдан буён I гуруҳ касб касаллиги ногирониман. Ҳар йили Тошкент илмий текшириш касб-касалликлари институтига даволаниш учун бориб тураман. Ишхонамдан ҳар ойда товон пули олиб тураман. Лекин муассаса раҳбарлари дори-дармон, йўл харажатлари, иқтисодий ёрдам беришдан бош тортишмоқда. Умуман корхона товон пулидан ташқари менга яна қандай тўловлар бериши керак?***

**Р.СОДИҚОВ,**
**Поп тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тартиблари тасдиқланган. Ушбу тартибнинг III бўлими 19 - қисмида меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш тартиби белгиланган. Унга биноан етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига ўртача ойлик иш ҳақидан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга протезлаш, жабрланувчини парвариш қилиш, санаторий-курортда даволаниш, шунингдек, даволаниш жойига бориш ва келиш учун сарфланган йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса жабрланувчини кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари махсус транспорт воситалари ва бошқаларни сотиб олиш (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олмаган тақдирда), шунингдек, жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича низо пайдо бўлганда ҳамда бу низо жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун (давлат томонидан белгиланган нархлар бўйича) қилинган харажатлар киради. Шуни айтиш жоизки I гуруҳ ногиронлари учун ТМЭКнинг «ўзганинг парваришига муҳтож»лиги ҳақидаги хулосаси талаб қилинмайди (улар махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно).

Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган тартибнинг III бўлим 20-қисмида қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёҳуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтидаги нархларга мувофиқ аниқланиши белгиланган.

Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади. Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Шунингдек, ҳам махсус тиббий, ҳам уй шароитида парваришга муҳтож бўлган жарбланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади. Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар,уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар тўланади.

Махсус транспорт воситаларининг сотиб олиш ва уларни асосли тузатиш учун харажатлар уларнинг қиймати доирасида тўланади. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиш натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисидаги тартиби III бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишига муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўлкира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Орифжон Ғайназаров жавоб беради

***САВОЛ: меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим ишда бўлмаган тақдирда унинг меҳнат дафтарчаси кимга берилади?***

**Р.ҒОЙИБОВ,**
**Деҳқонобод тумани**

**ЖАВОБ:** мазкур масалалар Меҳнат Кодекси ҳамда «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома асосида тартибга солинади.

Жумладан, МКнинг 108-моддасида меҳнат дафтарчасини ходимга бериш муддати кўрсатилган. Унга кўра ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ўша ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Меҳнат дафтарчасини ходимга қайтариш иш берувчининг айби билан кечиктирилиши уни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этиш, - деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда иш берувчи ходимнинг ололмай қолган иш ҳақини унга тўлаши талаб этилади (МКнинг 188-моддаси).

Шу ўринда ходимнинг ололмай қолган иш ҳақи қандай миқдорда ҳисобланади, - деган савол туғилиши табиий. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг III бўлимида белгиланган тартибга биноан иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини беришни кечиктирган барча вақт учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»нинг 5-бандига мувофиқ охирги икки календар ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

Қонунга кўра иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бериш чорасини кўриши лозим. Ходимни ҳеч бир сабаб билан, масалан, корхонага тегишли бўлган моддий бойликларни вақтида қайтариб топширмаганлиги сабабли меҳнат дафтарчасининг эгасига қайтарилишини кечиктиришга йўл қўйилмайди.

Йўриқномага кўра меҳнат шартномаси бекор қилинган ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатиши зарур. Шуни эътиборга олиш ўринлики, бошқа хатлар, масалан, бу ҳақдаги хатни бирор шахс орқали бериб юбориш инобатга олинмайди. Меҳнат дафтарчасини ходимнинг яшаш жойига почта орқали жўнатишга эса фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Ушбу тартибга риоя этмаслик меҳнат дафтарчасини беришни иш берувчининг айби билан кечиктириш, деб ҳисобланишига асос бўлади.

Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчасини олганлиги тўғрисида Т-2 шаклидаги шахсий варақасига ва ходимлар бўлимидаги меҳнат дафтарчалари ҳисоботини олиб бориш китобига имзо қўяди. Ҳисобот китобига ходимлар бўлими мутахассиси ёки корхона раҳбари томонидан масъул қилинган ходим тегишли ёзувларни киритиб боради. Унга жумладан:

- ходимлардан ишга киришда олинган меҳнат дафтарчаларининг;

- ишга кирган ходимларга берилган меҳнат дафтарчаларининг;

- ишлаётган ходимларга берилган меҳнат дафтарчалари (дубликатлари)нинг серияси ва рақамлари ёзиб борилади. Шунингдек, янги ёзиб берилган меҳнат дафтарчалари (дубликатлари) учун ходимдан ҳақ олингани тўғрисидаги ёзув ҳам киритилади. Меҳнат дафтарчасини олмаган ходим иш берувчига ёҳуд бошқа тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли.





Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари вилоят сарҳадларида, кўча ва чорраҳаларида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини ҳушёрлик билан назорат қилиб боришмоқда. Шу билан бир қаторда ҳудудга олиб кирилаётган ноқонуний моддий товар бойликларини, гиёҳвандлик моддаларини аниқлаш, автоулов воситаларини олиб қочиш ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашишда, иқтисодий ислоҳотлар самараларини таъминлаш йўлида ўз фидойиликларини намойиш этмоқдалар. Уларнинг доимо сергаклиги ҳамда ўз касбига садоқат ила сидқидилдан ёндошишлари натижасида ҳар куни кўплаб қоидабузарликлар ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олди олинмоқда.

**Суратларда: вилоят ИИБ ЙҲХБ алоҳида ЙПХ батальони 2-отряд ходимлари хизмат фаолиятидан лавҳалар.**

## СУД ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Суд тизими самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, суд ва прокуратура тизими, судьялар ва адвокатлар ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар асосида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келгани таъкидланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими бўйича мутлақо янги концепция ҳаётга татбиқ этилиб, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция тарзида кўриб чиқиш институти жорий этилди, тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди.

Анжуман иштирокчилари судларда фуқаролик ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, судьялар мустақиллигини таъминлашда прокурор ваколатларининг аҳамияти, хўжалик судларида иш юритишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА)**

# СУВ СОЛИҒИ

***“Биз сув ўлчагич мосламасини ўрнатганмиз ва шу мослама кўрсатгичига биноан фойдаланилган сув учун мунтазам равишда ҳақ тўлаб келмоқдамиз. Аммо, истеъмолчилардан сув солиғи тўғрисида эшитиб қоламиз. Бу қандай солиқ ва уни кимлар тўлайди? Шу ҳақда маълумот берсангиз”, деган мазмундаги саволлар газета таҳририятига ва давлат солиқ хизмати идораларига тез-тез келиб турибди.***

***Ушбу савол ва истакларни эътиборга олган ҳолда муҳтарам газетхонларимизга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ тўғрисида батафсил тушунча беришни лозим топдик.***

Авваламбор муҳтарам газетхонлар ва барча фуқароларни қуйидагилардан воқиф қилмоқчимиз:

- сув ўлчагичнинг кўрсатгичига биноан тўлаб келинаётган маблағ солиқ эмас, балки ичимлик сувини ҳар хил инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли моддалардан тозалаб, қайта ишлаб қувурлар орқали хонадонимизга етказиб берилганлиги учун коммунал хизмати идораларига тўланадиган хизмат ҳақидир:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ тўловчиларнинг асосий қисми корхоналар, идоралар ва ташкилотлардан иборат бўлиб, жисмоний шахслардан ушбу солиқ фақат деҳқон хўжаликлари ва ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи тадбиркорларгагина жорий этилган холос.

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ер усти манбалари - дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти ҳовузлари ва сув манбалари, сойлар, ариқлар ва ҳавзаларнинг бошқа турлари.

Ер ости манбаларига артезиан қудуқлар ва бошқа қудуқлар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари киради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари, кўчатлар ва боғларни суғориш учун фойдаланган деҳқон хўжаликлар ҳамда ўзларининг тадбиркорлик фаолиятида сувдан фойдаланган жисмоний шахслар 2005 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарорига биноан ишлатилган ҳар бир куб метр ер усти сув ресурслари учун 31,0 тийин ва ер ости сув ресурслари учун 39,0 тийин миқдорида солиқ тўлайдилар.

Деҳқон хўжаликларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 гектар суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар жисмоний шахслар (деҳқон хўжаликларидан ташқари) томонидан мустақил амалга оширилади ва давлат солиқ хизмати органларига шу солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 кунигача тақдим этилади.

Деҳқон хўжаликларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этилади.

**Раҳматилла ИСАМЕТОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси давлат солиқ бош инспектори**

## Касаба уюшма тадбири

***Жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш орқали хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш ва қолаверса, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни кунларда республикамизнинг барча жойларида ўтказилаётган хотин-қизлар спартакиадаси ҳудудий босқич мусобақалари ҳам ана шу йўналишдаги ишлар сирасига киради.***

# ХОТИН-ҚИЗЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида ташкил этилаётган мусобақалар айни қизғин паллага кирди.

- Ҳозирга қадар Қибрай тумани ҳамда Ангрен ва Янгийўл шаҳарларидаги спорт мажмуаларида вилоят хотин-қизлар спартакиадасининг ҳудудий босқич беллашувлари бўлиб ўтди. Беллашувлар 25-35 ҳамда 35 дан юқори ёшлилар ўртасида ташкил қилинди, - дейди вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Кенгаши раиси ўринбосари Ҳусниддин Мирзаев. - Таъкидлаш керакки, волейбол, стритбол, енгил атлетика, арқон тортиш, стол тенниси, шоҳмот ва шашка каби энг оммавий спорт турлари бўйича ташкил қилинган беллашувлар иштирокчилар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу эса мусобақаларнинг ниҳоятда қизиқарли, муросасиз ўтишини таъминлади.

Ангренда бўлиб ўтган мусобақаларда мезбонлардан ташқари Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон туманлари ҳамда Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳар жамоалари иштирок этди. Енгил атлетика мусобақалари шаҳар марказий ўйингоҳида, волейбол, стол тенниси, шоҳмот, шашка беллашувлари маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида, стритбол баҳслари эса 8-мактаб спорт мажмуасида ўтказилди. Дарҳақиқат, таъкидлаб ўтилганидек, мусобақа жуда қизғин тус олди. Якуний ҳисоб-китобларга кўра умумжамоа ҳисобида Ангрен ва Олмалиқ шаҳар жамоаларининг бир хил очко тўплаганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди. Ҳакамлар ҳайъати иккала жамоани ҳам ғолиб деб топди. Кейинги ўрин эса Оҳангарон тумани спортчи қизларига насиб этди.

– Спартакиада менда жуда катта таассурот қолдирди, – дейди Ангрен шаҳридаги умумтаълим мактаби ўқитувчиси А.Аблаева. – Чунки ҳар хил касб эгалари бўлган хотин-қизлар бир неча спорт тури бўйича дўстона беллашдик. Айниқса, ўзим қатнашган стол тенниси мусобақалари жуда муросасиз, қизиқарли ўтди.

Яна бир ҳудудий босқич беллашуви Янгийўл шаҳар марказий ўйингоҳида ўтказилди. Унда Оққўрғон, Зангиота, Паркент, Янгийўл ва Чиноз туманлари ҳамда Янгийўл шаҳар жамоалари қатнашди. Беллашувларда кўтаринкилик билан қатнашган мезбон жамоа - Янгийўл шаҳри вакиллари мусобақага пухта тайёргарлик кўришганини исботлашди. Улар волейбол, стритбол, шашка бўйича биринчи ўринни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида шоҳсупага кўтарилдилар. Шунингдек, Оққўрғон ва Паркент туманлари спортчилари ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Спартакиаданинг кейинги ҳудудий босқич беллашуви 29 апрел куни Бекобод шаҳридаги «Металлург» спорт клубида бўлиб ўтади. Вилоят финал мусобақаси эса 7-8 май кунлари Тошкент Давлат аграр университети спорт мажмуида ўтказилади.

**К.ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Спорт киши саломатлигини мустаҳкамлашда энг муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган киши маънан етук бўлади. Шунинг учун ҳам фаолиятимизда соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини имкон қадар кўпроқ оммавий спортга жалб этишга катта эътибор қаратганмиз.***

# ҚУВОНЧ УЛАШГАН КУН

Мана олти йилдирки, тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши, унинг жойлардаги вакилликлари томонидан таълим ва фан ходимларининг шаҳар, туман, вилоят ҳамда республика миқёсидаги анъанавий спартакиадалари ўтказиб келинаяпти. Спортнинг бир қанча турлари бўйича ташкил этилаётган ушбу мусобақаларда минг-минглаб соҳа ходимларининг иштироки таъминланмоқда.

Яқинда шаҳар таълим ва фан ходимларининг VI анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Сиҳат-саломатлик йили ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган мусобақада шаҳар халқ таълими муассасаларида меҳнат қилаётган педагоглар иштирок этди. Беллашувлар шоҳмот, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, армрестлинг ҳамда волейбол каби оммавий спорт турлари бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ташкил қилинди. Қувонарлиси, спартакиада баҳслари педагог ходимларнинг жисмоний тарбияга бўлган қизиқишлари тобора ортиб, улар ўртасида спорт оммавийлашиб бораётганлигини кўрсатди. Зеро, мусобақа иштирокчилари бор маҳоратларини намойиш этишди. Шунинг учун ҳам беллашувлар ниҳоятда кескин, муросасиз курашларга бой бўлди.

Айтиб ўтилганидек, мактаб, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари муассасалар жамоалари мусобақага яхши тайёргарлик кўрганликларини спорт майдонларида исботлади. Айниқса, ақл машқи ҳисобланган шоҳмот баҳслари шу жиҳати билан кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Унда эркаклар ўртасидаги мусобақаларда 14-мактаб ўқитувчиси Саид Аҳмедовга тенг келадиган рақиб топилмади. 29-мактаб ўқитувчиси Лола Эргашева эса аёллар ўртасидаги баҳсларда ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, шашка баҳсларида Ойбек Шукуров (39-мактаб) ва Очилой Эшмуродова (10-мактаб) биринчи ўринни эгаллашди.

Стол тенниси беллашувлари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада 1-мактаб вакили Улуғбек Абдураҳмонов барча рақибларини мағлубиятга учратди. Аёллар ўртасида Кўзигул Жўраева эпчил ва маҳоратли эканлигини намойиш этди. Армрестлинг - қўл кучи баҳсларида эса 34-мактаб ўқитувчиси Норпўлат Бобомуродов энг кучли деб топилди. Шу билан бирга, волейбол ўйинларида 36-мактаб жамоаси энг кўп очко тўплаб, шоҳсупага кўтарилди. Арқон тортиш мусобақаларида 19-мактаб жамоасига омад кулиб боқди. Умумжамоа ҳисобида 29-мактаб ўқитувчилари биринчи ўринни эгаллашди. Кейинги ўринлар эса 1-ихтисослашган мактаб ва вилоят кар болалар махсус-мактаб-интернати жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ж.ТЎРАҚУЛОВА,**
**Қашқадарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг Қарши шаҳар вакили**

# ҲУЖУМКОР ЎЙИН

## футбол жозибаси



Биз бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Мавсумни мамлакат чемпионига қарши Тошкентда «Пахтакор» стадионида бошлаб, қақшатқич зарбага учраган «Сўғдиёна» клуби жамоаси энди-энди ўзига келаётир. Турдан-турга ёш футбочилар тажриба орттириб, анчагина салмоқли ўйин намойиш этиш томон оғишмай илгарилаб бораётганлари аста-секин кўзга ташланмоқда. Шу маънода «Трактор» билан учрашув ўзига хос силжиш нуқтаси бўлиб қолса ҳеч ажаб эмас.

Суюн Муртазоев етакчилик қилаётган жамоа ушбу турда майдонга фақат ғалаба учун тушганлиги аниқ эди. Аммо тажрибали «чарм тўп» усталари жамулжам бўлган «Трактор» бунга осонликча розилик билдирармикан? Шундай ҳам бўлди. Учрашув ибтидосиданоқ тошкентликлар ҳужумкорликка зўр бериб, Фарҳод Йўлдошев қўриқлаётган дарвозага кетма-кет хавф солдилар. Аввал Азиз Ибрагимов, сўнг Пётр Соломин жуда қулай вазиятдан фойдалана олмади. Шундан кейингина майдон эгалари саросима ҳолатидан чиқиб, ўз омадларини қарши дарвозадан қидиришга бошладилар. Ва ниҳоят мақсадларига эришдилар. 38-дақиқада Зокир Бердиқулов «Сўғдиёна»нинг мавсумдаги илк ғалабасига сабаб бўлувчи гол муаллифига айланди.

Худди шундай 1:0 ҳисоби Фарғонада, «Нефтчи» ва «Қизилқум» жамоалари ўртасидаги беллашувда қайд этилди. Ягона гол 4-дақиқада Нодир Қўзибоев томонидан киритилди. Самарқандда «Навбаҳор» командаси ҳам шу ҳисобда мезбонларга имкониятни бой бериб, турнир жадвалининг олтинчи поғонасига тушиб кетди. Баҳром Ҳакимов шогирдлари эса барчани ҳайратда қолдириб, мағлубиятсиз серияни давом эттирмоқдалар. Ким билади, 2005 йил футбол мавсуми мухлислар учун яна бир кучли жамоанинг туғилиши билан ёдда қоладими! Ҳар ҳолда бу яхшиликка. Қанийди, кучлилар сафи кўпайгандан-кўпайиб бораверса, охир-оқибат бу халқаро майдонда ҳам ўз натижасини берган бўларди.

Ушбу турда иккита йирик ҳисобдаги ғалаба қайд этилди. «Пахтакор»нинг «Жар» стадионида «Локомотив» устидан 6:1 ҳисобида устун келганлиги ҳеч кимни ҳайрон қолдирмаган эса-да, «Бухоро» меҳмони бўлган «Машъал»нинг 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраши кутилмаган ҳол бўлди. Виктор Жалилов шогирдлари Усмон Тошев етакчилик қилаётган футболчиларнинг шиддаткорлигига дош беролмадилар. Учинчи дақиқадаёқ пеналтидан ўтказиб юборилган гол чамаси «Машъал» футболчиларига жуда қаттиқ таъсир қилган кўринади. Айниқса, ўйиннинг сўнгги қисми меҳмонлар учун аянчли тугади. 71, 81- ва 87-дақиқаларда майдон эгалари кетма-кет тўп киритиб, тўлиқ устунликни таъминладилар. Қолган учрашувлар қуйидагича якун топди: «Тўполанг»-«Шўртан» – 0:0, «Металлург»-«Насаф» – 2:3.

**Турнир жадвали**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **4** | **4** | **0** | **0** | **23-1** | **12** |
| **2.«Насаф»** | **4** | **4** | **0** | **0** | **13-3** | **12** |
| **3.«Самарқанд-Д»** | **4** | **3** | **1** | **0** | **4-1** | **10** |
| 4.«Нефтчи» | 4 | 3 | 0 | 1 | 8-2 | 9 |
| 5.«Машъал» | 4 | 3 | 0 | 1 | 8-6 | 9 |
| 6.«Навбаҳор» | 4 | 2 | 0 | 2 | 5-3 | 6 |
| 7.«Локомотив» | 4 | 1 | 1 | 2 | 4-9 | 4 |
| 8.«Тўполанг» | 4 | 1 | 1 | 2 | 3-9 | 4 |
| 9.«Сўғдиёна» | 4 | 1 | 1 | 2 | 2-10 | 4 |
| 10.«Трактор» | 4 | 1 | 0 | 3 | 3-6 | 3 |
| 11.«Бухоро» | 4 | 1 | 0 | 3 | 6-13 | 3 |
| 12.«Металлург» | 4 | 0 | 2 | 2 | 4-7 | 2 |
| **13.«Қизилқум»** | **4** | **0** | **1** | **3** | **1-7** | **1** |
| **14.«Шўртан»** | **4** | **0** | **1** | **3** | **0-7** | **1** |





## Халқ ижодиёти

# «ГАШТАК»НИНГ

## айтишув ва термалари

Жиззах вилоятида 30 га яқин фольклор-этнографик дасталар фаолият кўрсатмоқда. «Бойсун баҳори» фестивалининг ўтган йилги ғолиби Зомин туманининг «Зомин сайқали», Жиззах туманининг «Зебомхон», Форишнинг «Боғдон гуллари», Зафароботнинг «Тўғиз кўз» каби фольклор жамоалари нафақат ўз туманлари, ҳатто вилоят ва республика миқёсида эл оғзига туша бошлади. Айниқса, Ғаллаорол тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Гаштак» фольклор-этнографик дастаси эришаётган ютуқлар қувонарли бўлаётир. Қарийб 14 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бу жамоа халқ оғзаки ижоди намуналари асосида дастур тайёрлаб, эл эътиборини қозонмоқда. Дастурдан ўрин олган «Тушимда кўрдим», «Зебихон», «Олингизлар қизлар», «Тўш базми», «Тўғиз товоқ» каби халқ ўйинлари, айтишув ва термалари халқимизнинг унутилаёзган қадим урф-одатлари тикланаётганлигидан далолат беради.

Даста жамоаси ижрочилик маҳоратини тобора ошира бориб, нуфузли кўрик-танловлар иштирокчиси ва совриндори бўлиб боряпти. 1994 йилда Тошкентда ўтказилган республика фольклор жамоаларининг танловида иккинчи, 1996 йилда «Ўзбекистон – Ватаним маним» танловида учинчи ўринни эгаллади. 2002 йилда ўтказилган «Бойсун баҳори» фестивали лауреати бўлди. Бир неча бор вилоят кўрик-танлови мутлоқ ғолиби. Яқинда бўлиб ўтган бадиий ҳаваскорлар жамоалари кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни олди. Жамоа бу гал янги дастур билан иштирок этди. «Тўй базми» ва «Тўғиз товоқ» (баъзи ҳудудларда «тўққиз товоқ» ҳам дейилади) айтишувлари билан ҳайъат аъзоларининг эътиборини тортди.

Исмат Умиров, Азамат Тугалов, Зафаржон Боймирзаев, Марҳабо Бегимқулова каби турли касб эгалари ижросидаги халқ ўйинлари, айтишув ва термалар барчани хушнуд этмоқда. Сафига ғаллаороллик 40 нафар санъат шайдоларини бирлаштирган жамоа кун сайин парвоз қилмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## КУТУБХОНАДА ТЕСТ СИНОВИ

***Иқтисодий ислоҳотлар жадаллик билан амалга оширилаётган, мулк давлат тасарруфидан чиқарилаётган айни паллада маданий оқартув шохобчалари ишларини ҳам яхшилаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса Урганч шаҳар марказий кутубхонасида бу борада яхши ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар ҳафтада шаҳар марказий кутубхонасининг 19 филиалида ҳам тадбир ўтказилади.***

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири шаҳар марказий кутубхонасида «Энг яхши китобхон» кўрик танлови ўтказилди. Танловнинг дастлабки босқичи шаҳардаги 8 та болалар кутубхонасида ўтказилган эди. Танлов 2 та гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилди. Дастлаб 1-6-синф ўқувчилари, сўнгра 6-9-синф ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари тест синовлари асосида ўқувчиларнинг китобга бўлган муносабатини, ихлоси, билим савияси ҳамда қобилиятини аниқлаб, баҳоладилар. Фахрли биринчи ўрин Бахтигул Машарипова мудирлик қилаётган 7-болалар кутубхонаси китобхони Умида Рустамовага, иккинчи ўрин Роҳатой Бекчонова мудирлик қилаётган 8-кутубхона китобхони Лайлохон Собировага, учинчи ўрин Султонпошша Худойберганова мудирлик қилаётган 4-кутубхона китобхони Динора Жуманиёзовага берилди. Кўрик-танлов якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Боғот туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ёшларнинг илм олиб, ҳунар ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган. Замонавий компьютер хоналари, қишки ва ёзги спорт зали, 6600 дан зиёд китоб фондига эга кутубхона толиби илмлар хизматида.

***Суратларда: коллеж ёшлари дарсдан бўш вақтларида қўшимча машғулотларда иштирок этиб, ўз малакаларини оширишмоқда.***

**Б.ЭЛШОДОВ олган суратлар**

## ОВУЛДА ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилган.

Амударё тумани хотин-қизлар қўмитаси ана шу фармонда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда: аёлларни иш билан таъминлашга, самарали меҳнат қилишлари учун уларга қулай шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилмоқда.

## Яхшилар ҳақида сўз

# СЕП...ТЎЙ ЎТГУНЧА

## одоб-аҳлоқ ва билим бир умрга

Маҳалла йиғинида аёллар суҳбати қизиди. Ўрта бўйли, чиройлигина жувон қўшниси Ҳуснияхонни сўроққа тутди:

- Кеча уч-тўрт бегона аёл сизникидан чиқишди. Зарифахонга совчилар келишаяпти, шекилли-а?

- Ҳа. Лекин қайтариб юбордим. Қизимнинг сеп-сидирғаси ҳали тайёр эмас. Қизим тушмагурнинг ўшанга кўнгли борми, билмадим, кечадан бери кайфияти йўқ...

Тўрда ўтирган Солиҳабону гапга аралашди:

– «Қизингни бешикка сол, сепини сандиққа сол», деганларини эшитмаганмидингиз? Қизи бўй етган ҳар бир аёл битта туясандиқни лиқ тўлдириб қўймоғи керак!

Даврадагилар пичир-пичир қилишди:

- Рўзғордан тежаб-тергаб йиққанинг билан кошки бу сандиқ осонгина тўлақолса?!

- Бўлди-е, намунча?! Сеп-сидирғадан бошқа яхшироқ гап йўқми дунёда? Ҳамманинг юрагига ғулғула солиб нима қилардингиз, Солиҳа келинойи?! Ундан кўра қизларимизнинг ўқишини тузатайлик, соғлиғига қарайлик. Кўпчилигингизнинг қизингиз менинг синфимда ўқийди, ўзлаштириши паст, дарсни тушуниб етмайди. (Сўнг аёлларга бирма-бир уқтира кетди). Сизнинг Нигорангиз нуқул «бошим оғрияпти» дейди. Салима кеча доскадаги ҳарфларни яхши кўролмаётганини айтди, кўз дўхтирига учранглар. Дилноз дарс қилмасдан келади, сабабини сўрасам дарслик китобим йўқ дейди. Сепни ўйлаб ташвишга тушавермай қизалоққа дарслик китоб олиб беринг. Яна айтаверайми? Ахир қизларимиз билимдон, соғлом бўлишса бас, сеп-сидирғани ҳал қилмоқ мумкин-ку?!

Аёлларнинг барчаси Ибодатхонга тикилиб қолишди. Ҳар қалай ўқитувчи-да, тап тортмасдан тўғрисини айтади.

- Ўша куни суҳбатдан сўнг синфимиздаги қизларнинг хулқлари, ўзини тутиши ва соғлиғида яхши ўзгаришлар бўлди, - дейди Ибодат Мусаева. – Ҳар ҳолда бир уй тўла аёлнинг хушёр тортгани мени қувонтирди.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 69-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ибодат Мусаева Машинасозлар маҳалласида яшайди. У ҳар куни маҳалла болаларини кузатади, йўл-йўлакай уларга танбеҳ беради. «Ҳой, нега эгилиб юрибсан, қаддингни тик тут!», «Дарахтга тош отма, шохида мусичанинг уяси бор», «Қизим, куйлагингнинг чеккаси сўкилибди, тикиб ол, хўпми?» ... Хуллас, уйга киргач болалари бироз истиҳола билан тилининг учида турган гапни айтишади:

– Ойи, нега бировларнинг болаларини уришаверасиз? Ўзларининг ота-онаси қарамаса... сизга нима?

Ибодатхон қизишиброқ дейди:

– Маҳалла боласи бировники эмас, кўз олдимизда ўсаяптими, тарбиясига ҳаммамиз масъулмиз. Ота-онаси танбеҳ беришга, боласининг қусурини тўғрилашга вақти бўлмагандир, мен шу ишни қилай, нима бўпти?!

Чиндан ҳам маҳалланинг қай хонадонида келишмовчилик, қай бирида ажрашиш, яна қай биттасида қайнона-келин муросасизлиги, ҳамма-ҳаммасига Ибодатхон аралашади, педагог сифатида ўз маслаҳатини беради. «Икки йилдирки, маҳалламизда ёш оилалар ажрими қайд қилинмади, бу эса улар билан ўтказаётган суҳбатларимиз натижасидир!» дейди Ибодат Мусаева. Бу аёл фаолият юритаётган мактабда беш-олти нафар ота-онасиз болалар бор. Улар акаси ё бувисининг қарамоғида. Ибодатхон ана шу болаларнинг оилавий шарт-шароити ва ўқиши билан кунба-кун қизиқиб боради. Болаларга нималар етишмаса, дарров дўконга югуради. Унинг ўзи ҳам мактабда «Болалар ҳуқуқини ҳимоялаш» бўйича нозир ваифасида. Юздан ошиқ болалар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга Ибодатхоннинг ўзи жон куйдиради, ҳомийлар излаб топади.

Мана, йигирма етти йилдирки, Ибодат Мусаева педагоглик касбининг машаққату масъулияти билан ёниб яшаётир.

– Давр шиддат билан илгарилаб бормоқда, демак педагог замондан илгарироқ юрмоғи зарур, – дейди у. – У ўз устида қунт билан ишласин, замонавий фанларни қунт билан ўзлаштирсин, янги ахборотлар манбаидан фойдалансин. Шундагина у болага чуқур билим бера олади!

Ибодатхоннинг айтишича, ҳар кун ҳар бир она ўқиб, изланиши зурур. Негаки, бола билимга ўч, кундалик ахборотларни қабул қилишга шай, тафаккури кенг. Шундай болаларнинг онаси бўлиш осонмас. Бордию у фарзандининг саволига жавоб тополмай ўтирса... Бу уятли ҳолат, шундай эмасми?

Ибодат Мусаева ота-оналар билан учрашганида шу ҳақда кўп гапиради. Уларга қайта-қайта эслатади. Ўқувчилар феълидаги ўзгаришлардан қувонади, лоқайдроқ болаларни кўрса куюнади. Олдини олишга ҳаракат қилади. Шундай қилсаки, бола нима учун ўқиб, нима учун яшаётганини юракдан англаса!

**Г.ЖАМИЛОВА**

## МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

***Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи экспозицияси экспонатларга бой. Халк ҳунармандлари томонидан XIX асрда яратилган ижод намуналари ҳам эътиборни ўзига тортмоқда.***

Бу каби амалий санъат буюмларидан бир нечтаси халқаро кўргазмага тақдим этилди. Австралиянинг Сидней шаҳрида ташкил этилган бу йирик экспозиция «Марказий Осиё газмоллари ва ганж ўймакорлиги санъати жилолари» деган мавзуда намойиш қилинди.

Музей фондидан ўрин олган бу буюмлар орасида XIX асрга оид олти ой тасвиридаги палак, гулкўрпа; шоҳмот тасвирли палаклар ҳам бор. Ўзбек миллий сўзаналари намуналари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

**А.АЛИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314

12345